

**«БОЗОР ШАРОИТЛАРИДА РЕЖАЛАШТИРИШ
ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи:

Ғ.Дусмуратов

Mavzu:

I-мавзу. БОЗОР ШАРОИТЛАРИДА РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

- Режа
- 2.1. Бозор шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг объектив зарурати
- 2.2. Режалаштириш ва башорат қилишнинг мақсад ва вазифалари
- 2.3. Режалаштириш ва башорат қилишнинг норматив асослари

- **2.1. Бозор шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг объектив зарурати**
- Бозор муносабатларига ўтиш кадрларга, айниқса, иқтисодий йўналишдаги мутахассисларга, уларни тайёрлаш ва улардан амалиётда фойдаланишга бўлган талабларнинг ўзгаришига олиб келди. Гап бу ерда нотаниш атама, тушунча ва тоифаларнинг пайдо бўлишида эмас, балки иқтисодиётни бошқаришнинг барча миқёсларида янгича иқтисодий фикрлаш мафкурасини шакллантириш ҳақида ҳам боради.
- Биз истаймизми, йўқми, лекин олган билимларимиз (олий ўқув юртлари, коллежлар, малака ошириш тизимларида) ва амалий фаолиятимиз бугунги кунда тубдан янгилашни талаб қилишини тан олишга мажбурмиз. Бу биринчи навбатда техника ва технологияларга эмас, балки ишлаб чиқаришнинг иқтисодий асослари, бизнес ва тадбиркорлик, яъни бутун ишлаб чиқариш муносабатлари мажмуига тааллуқлидир.


- **Башорат қилиш** – корхона, тармоқ ва соҳалар миқёсида ҳамда бутун мамлакат миқёсида иқтисодиёт ҳолатини илмий асосаган ҳолда олдиндан кўра билишдир. Башорат қилиш шунингдек, иқтисодиётнинг у ёки бу ҳолатига эришишнинг муқобил йўллари, усуллари ва муддатларини танлаш ёки муҳокама қилишни ҳам англатади.
- Шу билан бир пайтда корхона учун унинг фаолиятини қайси орган - режа бўлими ёки бошқа иқтисодий бўлим ва хизматнинг режалаштириши ва башорат қилишининг аҳамияти йўқ. Режалаштириш сифати ва мезонлар муҳим бўлиб, уларга кўра корхона фаолияти баҳоланади ва бозор шароитларида унинг барқарорлиги таъминланади. Шу сабабли бозор режалаштиришни умуман тан олмайди дейиш нотўғри бўлар эди.

2.2. Режалаштириш ва башорат қилишнинг мақсад ва вазифалари

Режалаштириш ва башорат қилишнинг **мақсадли функцияси** бу— зарур ҳисоб-китоблар, башорат ва далиллар асосида корхона фаолиятининг қисқа ва узоқ муддатли стратегиясини белгилашдир. Тўғри, бу ходимлар сони 5-10 кишидан 100 кишигача бўлган микрофирма ва кичик корхоналарга қараганда кўпроқ йирик корхоналар учун муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳар бир ҳолатда режалаштириш белгиланган пировард натижага эриши учун йўналтирилган ресурслар (моддий ва молиявий) ҳамда одамлар меҳнатини босқичма-босқич қамраб олади.

Режалаштириш одатда деталли ҳисоб-китоблар ва кўрсатмаларга асосан амалга оширилади. У бир томондан барча ходимлар учун вазифаларни (ҳар бир ходим қачон ва нима қилиши керак), иккинчи томондан раҳбарият учун кўрсатмаларни (корхона белгиланган мақсадга эришиши учун қандай бошқарув қарорлари қабул қилиш лозим) белгилаб беради.

Корхона миқёсида режалаштиришнинг мақсадли функциялари ва таркиби



- Режалаштириш тизимининг дастлабки бўғини сифатида башорат қилиш корхонанинг ички фаолиятидан ташқари кенг масалалар доирасини қамраб олиши зарур. Масалан, унга ҳал қилиб бўлинган, бироқ амалиётда қўлланилмаган техник, иқтисодий, инвестицион муаммолар; истиқболда янги маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган материаллар, технологик жараёнлар, асбоб-ускуна ва қурилмалар; ишлаб чиқариш модернизацияси туфайли кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлашни киритиш мумкин. Башорат қилишда шунингдек, келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар, ўтказилаётган тадқиқотларни баҳолаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

- Корхонанинг келажақда t - йилдан сўнги ҳолатини бир мақсадли башорат қилишни унинг фаолияти ўзгарувчи кўрсаткичларида йўл қўйиш мумкин бўлган қийматлар моделини навбатма-навбат ифодалаш сифатида акс эттириш мумкин (B):


- $$B = [F x(t), y(t), z(t), t],$$

- Бунда:
- x – башорат қилинаётган кўрсаткич ўзгарувчилари (инвестициялар, корхона персонали, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо);
- y – шарт-шароитлар сифатида кўриб чиқилувчи ўзгарувчан кўрсаткичлар (бозор ҳолати, солиқлар, табиий-иқлим шароитлари ва ҳоказо);
- z –асос қилиб олинган корхона фаолиятининг башорат қилинаётган кўрсаткичлари бошланғич қиймати.

- **2.3. Режалаштириш ва башорат қилишнинг норматив асослари**
-
- Эркин иқтисодий фаолият ва тижорат ривожланиб бораётган, биз аввалги завод ва фабрикаларга қараганда кўпроқ замонавий бизнес ва тадбиркорлик ҳақида гапираётган бир шароитларда математика тили билан айтганда норма ва нормативлар (норматив асослар) «бозор» тушунчаси билан боғланиши қийин бўлади. Бугунги кунда уларнинг роли ва мақоми бироз сусайган, чунки улар тадбиркорлар фикрига кўра бозорга қараганда кўпроқ режали иқтисодиёт томон яқинроқ тургандай бўлади.
- Нормалаштириш элементлари сифатида норма ва нормативларни кўрсатиб ўтиш мумкин.
- **Норма** бу – белгиланган сифатли (масалан, стандартли бир буханка нон чиқариш учун сарфланувчи ун нормаси, белгиланган ҳажмли металл конструкциясини кавшарлаш учун сарфланувчи электродлар сони ва ҳоказолар) маҳсулот (иш, хизмат) бирлигини таёрлаш учун хом-ашё, материал, ёқилғи, энергия ва ҳоказоларнинг мутлақ (абсолют) сарфлаш мумкин бўлган максимал катталигидир.

- Шу тариқа натурал, қиймат ва меҳнат ўлчамлари билан белгиланган норма ёрдамида маҳсулот, бизнинг ҳолатда пальто ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча харажатлар тартибга солиб борилади. Агар маҳсулот бирлигига тўғри келувчи харажатларни жами чиқарилган маҳсулотлар сонига кўпайтирсак, корхонанинг мазкур турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ умумий харажатларини аниқлашимиз мумкин бўлади.
- **Норматив** бу нисбий кўрсаткич бўлиб, мутлақ (абсолют) катталикини эмас, балки ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланишнинг белгиланган ўлчамини, маҳсулот тавсифномаси ёки ташкилий-иқтисодий ҳатти-ҳаракатларни акс эттиради.
- Нормативлар одатда фоиз ёки коэффицентларда белгиланади ва акс эттирилади (масалан, асбоб-ускуналарни юклаш коэффиценти, автомобиль шинаси босиб ўтган йўл коэффиценти, сутнинг ёғлилик фоизи ва ҳоказо). Нормативлар шунингдек, зарур хом-ашё ва материаллар, айланма маблағлар ҳажми, талаб қилинувчи ходимлар сонини аниқлашда ҳам қўлланади.

Хўжалик бошқаруви механизмида нормативларнинг ўрни ва роли



- Норма ва нормативлар амалиётда қуйидаги асосий гуруҳлар бўйича ишлаб чиқилади:
- меҳнат сарфи нормаси;
- моддий харажатлар нормаси;
- вақт нормаси (асосий, қўшимча ва ҳоказо);
- машина, асбоб-ускуна ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш нормаси;
- ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш нормативлари;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нормативлари;
- капитал қўйилмалар (инвестициялар) самарадорлиги нормаси;
- лойиҳадаги қувватларни ўзлаштириш нормаси;
- айланма воситалар (маблағлар), ишлаб чиқариш заҳиралар нормаси ва ҳоказолар.
- Норма ва нормативлар асосида одатда режадаги давр учун фаолиятнинг техник-иқтисодий ва ташкилий шароитлари ётади. Вақт ўтиши ёки шароитларнинг ўзгариши билан, шунингдек, фан-техника тарақиёти таъсири остида мавжуд норма ва нормативлар қайта кўриб чиқилиши мумкин. Уларни қайта кўриб чиқишда илғор ишлаб чиқариш тажрибалари ва ютуқлар ҳисобга олиниши лозим.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**